



# ARES

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES

SJIF 2021: 5.723

Cite Factor 2020-21: 0.89

2021/11  
VOLUME 2  
ISSUE 11



RESEARCHBIB  
ACADEMIC RESOURCE INDEX

Google  
scholar



CYBERLENINKA



INDEX COPERNICUS  
INTERNATIONAL

We increase scientific  
potential together!

ARES.UZ

Exact Sciences  
Natural Sciences  
Technical Sciences  
Pedagogical Sciences  
Medical Sciences  
Social and Humanitarian Sciences



CiteFactor  
Academic Scientific Journals



TOGETHER WE REACH THE GOAL



## МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ

**Фотима Ураловна Жуманова**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти в.б. доценти

**Гўзал Комилжоновна Назирова**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мактаб ўқувчиларида соғлом турмуш тарзини ривожлантиришнинг психологик-педагогик омилларига тўхталар эканмиз, унда жамиятдаги ўқувчи-ёшларнинг таълим жараёнида зиддиятли, стрессли муҳит мавжудлиги сабабли у безовталанади ва натижада инсон ҳимоя механизмларининг турли хил таъсири туфайли ўз соғлигининг қадр-қимматини англаш қийинлашади. Шу муносабат билан, ўқувчиларда Соғлом турмуш тарзи ривожланишининг тизимли ўрганиш лозимлиги батафсил кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** ўқувчи, соғлом турмуш, ривожланиш, зиддият, стрессли муҳит, ҳимоя механизмлари, валеологик омил, профилактик тадбирлар.

### ABSTRACT

This article focuses on the psychological and pedagogical factors of developing a healthy lifestyle in schoolchildren, which is disturbed by the conflicting, stressful environment in the educational process of students in society, and as a result it is difficult to understand the value of their health. In this regard, the need for a systematic study of the development of a healthy lifestyle in students has been demonstrated.

**Keywords:** reader, healthy living, development, conflict, stressful environment, defense mechanisms, valeological factor, preventive measures.

### КИРИШ

Жамиятнинг муҳим ижтимоий гурӯҳи сифатида ўқувчиларнинг соғлиғи нафақат мамлакатнинг мавжуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг, балки келажакдаги меҳнат, иқтисодий, маданий ва мудофаа салоҳияти амалиётига татбиқ этилган соғлиқни сақлашни кўллаб-қувватлаш муаммоси, балки соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва кенгроқ маънода одамларнинг умумий

фаровонлик даражасини ошириш балким, жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти, Европа бюросининг “Барчага саломатлик” декларатсиясида аҳолининг соғлигини мустаҳкамлашдан, индивидуал шахсда Соғлом турмуш тарзини ривожлантириш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жаҳондаги психологияк тадқиқотларда шахснинг саломатликка нисбатан валеологик омил сифатидаги муносабатини ўрганишнинг устуворлиги замонавий инсон ҳаёт тарзининг ўзгариши ва ҳар хил касалликлар билан хасталанишнинг юқори даражаси сабабларини аниқлаш. Инсон турмуш тарзининг ижтимоий ва психологик омилларини ўрганиш, инсонларда Соғлом турмуш тарзини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга шахснинг психик саломатлиги, ўқувчиларнинг фаоллиги саломатлик мезони, саломатлик ижтимоий қадрият, шахснинг ўз соғлиғига муносабати қадрият сифатида тадқиқ этиш каби тадқиқотларга алоҳида аҳамият бериб ўқувчи-ёшлар маълум психологик саломатликка эга, аммо таълим жараёнида зиддиятли, стрессли муҳит мавжудлиги сабабли у безовталанади ва натижада инсон ҳимоя механизмларининг турли хил таъсири туфайли ўз соғлигининг қадр-қимматини англаш қийинлашади. Шу муносабат билан, ўқувчиларда Соғлом турмуш тарзи ривожланишининг психологик-педагогик детерминантларини тизимли ўрганиш лозимлиги мазкур илмий-тадқиқот ва илмий-амалий муаммога юқори долзарблиқ баҳш этади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамлакатимизда саломатликни саклашга алоҳида эътибор бериш аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун индиstriял, мамлакатда соғлиқни саклаш тизимини ислоҳ қилиш ва фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг меёрий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида “Ижтимоий соҳани ривожлантириш”нинг белгиланган муҳим самарали вазифаларини амалга ошириш учун шахснинг Соғлом турмуш тарзини ривожлантириш ҳаётий зарурат бўлиб ҳисобланади. Жамият истиқболида валеологик маданиятга эга, интеллектуал, жисмонан ва психологик соғлом кадрларга зарурят туғилади. Шахснинг валеологик маданияти тушунчаси саломатлик, уни шакллантириш, мустаҳкамлаш ва муҳофаза этиш ёўллари ва методларини қамраб олган билимларга таянадиган ва кишиларнинг ҳаётий фаолият жараёнида хулқини идора қилувчи тизимни ифодалайди.

Бу борада ўқувчи соғлом турмуш тарзи ривожланишига таъсир этувчи психологик ҳимоя механизмлари детерментларини такомиллаштириш, ёшларни ўз саломатлигига муносабатини ривожлантиришга ё`налтирилган илмий изланишларни чукурлаштириш мақсадга мувофик.

Ўқувчиларда Соғлом турмуш тарзи ривожланишининг психологик хусусиятлари 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-406-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2019 йил 29 январдаги “Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб этиш тўғрисида”ги қарорлар, “Ўзбекистон ёшлари – 2030” консепсияси ҳамда мамлакат аҳолисини соғлигини саклашга доир бошқа ме`ёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қиласди.

Бугунги кунда ёш авлод саломатлигини саклаш нафақат соғликни саклаш ташкилотининг балки, тарбиячи педагогларнинг ҳам олдидаги энг муҳим актуал муаммоларидан биридир.

Шу билан бирга, маълумки, ҳар қандай касаллик ёки соғлом турмуш тарзидан четлашиш, ҳатто қисқа бўлса ҳам, организмнинг реактивлигини ўзгартиради, марказий асаб тизимининг функцисионал ҳолатини ёмонлаштиради, иш қобилиятининг пасайишига, юқори чарчашга ва, натижада ўқув натижаларини пасайтиришга сабаб бўлади. Мавжуд хавотирли вазият болалар таълими жараёнида уларнинг соғлигини саклаш ва шу билан унинг муваффақиятини таъминлаш, шунингдек соғлом турмуш тарзи асосларини рағбатлантириш учун мақбул шарт-шароитларни яратиш бўйича янги, ностандарт ёндашувларни излашни талаб қиласди.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Муаллиф мавжуд бўлган соғломлаштириш таъсирининг воситалари ўсмирлар соғлигини етарли даражада таъминлай олмайди деган фараздан келиб чиқкан, чунки улар ушбу босқичда етакчи бўлган таълим фаолиятини психологик, педагогик ва ташкилий қўллаб-қувватлашга таъсир қилмайди. Ўқувчиларни, мотивларни, йўналишларни ва муносабатларни рўёбга чиқаришга қаратилган ўқув фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда маҳсус, психологик ва психофизиологик асосланган воситалардан фойдаланиш нафақат ўсмирларнинг соғлигини яхшилайди, бир вақтнинг ўзида таълим самарадорлигини ҳам оширади, балки шаклланишини оптималлаштиради.

Мактаб ўқувчиларида соғлом турмуш тарзини ривожлантиришнинг психологияк-педагогик омилларидан яна бирисоғлом турмиш тарзидир.

Турмуш тарзи – бу аниқ шароитдаги диалектик тушунчалар ҳосиласи бўлиб, инсоннинг аниқ жамиятда, мухитда ифодаланган хаёт, меҳнат, дам олиш ва ҳоказоларини ўз ичига олган тушунчадир. Унинг таркибий қисмларига фақат ижтимоий-сиёсий ва ишлаб чиқариш фаолиятигина эмас, балки ишлаб чиқаришдан ташқари вактдаги фаоллиги, ижтимоий-маданий фаолияти ҳам киради. Тиббий фаоллик ҳам унинг бир туридир. Турмушда одам турли ҳил таассуротлар, ножӯя ҳолатлар ва шароитларга тушиб қолиши мумкин. Булар эса ўз навбатида саломатлик, турмуш тарзини соғломлаштириш ҳақида тўла билимга эга бўлишга мажбур қиласди, аҳолининг ўз саломатлигига бўлган муносабатларини тарбиялаш ва тиббий билимларни тарғиб қилишни тақозо этади.

Соғлом турмуш тарзи кенг маъноли тушунча бўлиб, унумли меҳнат қилиш, фаол дам олиш, бадантарбия ва спорт билан шуғулланиш, организмни чиниқтириш, шахсий ва психогигиенага риоя қилиш, оқилона овқатланиш, зарарли одатлардан ўзини тийиш ва ҳар йили шифокор кўригидан ўтиб туришдан иборат. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси шуларни турмушида тадбиқ этса, соғлом ҳаёт кечиради.

**Ҳаракат ва саломатлик.** Соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва касалликларнинг олдини олишнинг асосий йўли тўғри ташкил этилган жисмоний фаолликдир.

Ҳаракат натижасида одамнинг турли аъзо ва тизимларининг фаолияти меъёрлашади, бузилган фаолиятлари эса тикланади, ақлий ва жисмоний меҳнатга бўлган фаоллиги ошади. Ҳар қандай ёшдаги одам учун ҳаракат тўлақонли ҳаёт ва фаолият кўрсаткичидир. Ҳаракат натижасида қувват сарфи ошади, тўқималарнинг қон, кислород ва озик моддалар билан таъминланиши яхшиланади. Юрак мускуллари толаларининг тузилиши мустаҳкамланади, организмни идора этувчи гормонал ва нерв системасининг иши фаоллашади. Ҳаракат ва жисмоний машқлар суюклар тизимини мустаҳкамлайди, мушак кучини ошириб, уларнинг бир ҳил шаклини сақлайди. Гўдаклар ва мактаб ёшидаги болалар учун ҳаракатнинг аҳамияти жуда катта бўлиб, у бола организмининг шаклланишига, таянч-ҳаракат аппарати, юрак-қон томир системаси, эндокрин ва организмдаги бошқа системаларнинг ривожига яхши таъсир қиласди.

Кундалик турмуш ҳар куни эрталаб бадан тарбия, ишлаб чиқариш гимнастикаси канда қилмаслик, спорт билан шуғулланиш, жисмоний меҳнат қилиш, кўпроқ пиёда юриш зарур. Бунда жисмоний тарбиянинг аҳамияти жуда муҳим бўлиб, киши ҳар жиҳатдан интизомли бўлади, кучлилик, чаққонлик, иродаликни ўзида шакллантиради. Жисмоний тарбия машғулотлари жуда хилма-хил бўлиб, гимнастика, юриш, сузиш, велосипед ҳайдаш, турли спорт ўйинлари, аэробика, чанғи, терренкур, тренажерлар ва бошқаларни ўз ичига толади.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясида бизнинг республикамиизда ёш авлод саломатлигини шакллантиришнинг зарурий шароитларида инсон, оила ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқаролар соғлигини саклашга тегишли эркин фуқаролик жамиятининг ҳукуқий асослари аниқ белгилаб берилган.

Ҳалқаро ҳайрия жамғармалари - “Соғлом авлод учун”, “Экосан”, “Қизил ярим ой жамияти”, хотин-қизлар қўмитаси, “Ибн Сино”, “Болалар”, “Махалла”, “Нуроний”, “Мехр нури”, “Сен ёлғиз эмассан”, “Камолот ёшлар ижтимоий харакати”, “Маънавият ва маърифат” Республика маркази, “SOS – Ўзбекистон болалар шаҳарчаси”, “Оила” Республика илмий-амалий маркази аҳолини соғломлаштириш жараёнларига йўналтирилган, болалар ва ўсмирларни соғлом тарбиялашда аниқ мақсадга эга бўлиб, ўз фаолиятини ривожлантирумокда.

## ХУЛОСА

Шундай қилиб, ўтган давр мобайнида соғлом авлодни тарбиялашғоясининг ўзига хос намунаси яратилди, ҳамда бу андоза кўплаб давлатларга ёйилди ва улар томонидан қўллаб қувватланди. Сўнги йиллада аҳолининг соғлом генофондини уларни турли касалликлар, шу жумладан, катта қизиқиши, жиддий муносабатда бўлишса бу ҳолда бола ҳам уларнинг кайфиятига шерик бўлади, иш ва ташвишларига қўшилади, мувофиқ равшда аҳлоқий меъёрларни ўзлаштиради. Оилавий микроиклим кўп жиҳатдан педагогик таъсирлар (агар дўстлик, ишонч, ўзаро хурмат муҳитида ўсса, бола кўпроқ тарбиявий таъсирларга моил бўлади)нинг самарадорлигига боғлиқ бўлади.

## REFERENCES

1. Арзикулов Р.У. Соғлом турмуш тарзи асослари. Т.; 2005.- 256 бет.

2. Брехман И.И. Валеология – наука о здоровье. – М.: Физкультура и спорт, 1988. – С. 108.
3. Вайнер Э.Н. Валеология. – Учебник для вузов. –М: Наука,2002.- 416 с.
4. Искандаров Т.И.. Исаханов В.И. Здоровый образ жизни: восточные традиции и современность. – Т., 1989. - С.118.
5. Колбанов В.В.. Бошланғич мактабларда valeologik таълим.// Ж. Бошланғич мактаб. №4, – М.: 1999 й.
6. Сафарова Д. ва бошк. Валеология. -Т.:2006.- 196 б.
7. Шарипова Д.Д, и др. Профилактика ВИЧ-инфекции среди молодежи. Методическое пособие для преподавателей. -Т. 2010.
8. <http://www.chat.ru/~dronisimo/homepage1/anatom1.htm> -Биология.
9. <http://www.informika.ru/text/database/biology/> - Биология, обучающая энциклопедия.
10. [www.valeo.edu.ru](http://www.valeo.edu.ru) - Здоровье и образование.
11. <http://knigitut.net/8/oglav.htm>
12. [http://www.ozon.ru/multimedia/books\\_covers/](http://www.ozon.ru/multimedia/books_covers/)
13. [http://www.webmedinfo.ru/library/book\\_a.php](http://www.webmedinfo.ru/library/book_a.php)
14. [http://ihtik.lib.ru/servage\\_med\\_22dec2006.htm](http://ihtik.lib.ru/servage_med_22dec2006.htm)